



## ПСИХОЛОГИЯДА КРЕАТИВЛИК МАСАЛАСИННИГ НАЗАРИЙ ТАХЛИЛИ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.072>

*Остонов Шухрат Шарифович,  
Бухоро давлат университети, Психология кафедраси доценти  
<https://orcid.org/0000-0002-2928-1438>*

**Аннотация:** Мазкур мақолада талабалар креативлигини ривожлантириши ва уибу омиллар орқали уларни таълимдаги фаолигини ошириш масаласи ҳақида фикрлар боради. Бундан ташқари бугунги кунда илм-фан ва технологияларнинг тез суръатлар билан ривожланиши шароитида узлуксиз таълимнинг барча босқичлари, жумладан, олий таълим олувчиларнинг креативлик, мантиқийлик, мазмундорлик, ижодий қобилияtlарининг ривожланганишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳақида фикр боради.

**Калит сўзлар:** шахс креативлиги, равонлик, мослашувчанлик, ўзига хослик, яратувчанлик, шахслик хусусиятлари, индивидуал-психологик хусусиятлар.

## ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ПРОБЛЕМЫ ТВОРЧЕСТВА В ПСИХОЛОГИИ

*Остонов Шухрат Шарифович  
Бухарский государственный университет, Доцент кафедры психологии*

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются вопросы развития творческих способностей учащихся и повышения их активности в учебе за счет этих факторов. Кроме того, в современных условиях бурного развития науки и техники все этапы непрерывного образования, в том числе социально-психологические особенности развития творчества, логики, содержания, творческих способностей обучающихся в обеспечении результативности, результативности и качества высшего образования.

**Ключевые слова:** креативность личности, беглость речи, адаптивность, самооценка, креативность, личностные черты, индивидуально-психологические черты.

## METHODOLOGICAL BASIS OF STUDYING THE FACTORS OF PROFESSIONAL COMPETENCE OF PRACTICING PSYCHOLOGISTS

*Ostanov Shukhrat Sharifovich,  
Bukhara State University, Associate Professor of the Department of  
Psychology*

**Abstract:** This article discusses the issues of developing students' creativity and increasing their active participation in education through these factors. In addition, in today's context of rapid development of science and technology, all stages of continuing education, including the socio-psychological features of the development of creativity, logic, content, creative abilities of students in ensuring the effectiveness, efficiency and quality of higher education.

**Keywords:** personality creativeness, fluency, adaptability, self-esteem, creativity, personality traits, individual-psychology traits.

Кириш. Бутун дунёда таълим тизимининг асосий мақсади талабаларга янги муҳит талаблари асосида билим бериш, ижтимоий муносабатларнинг

барча соҳаларида уларнинг эркин фаолиятини таъминлаш, талаба-ёшларнинг, янги ғоялар яратадиган ва ҳар кандай вазият, жараён ёки фаолиятдаги муаммонинг ечимини топа оладиган ижодкорлик хусусиятига эга шахсни ривожлантиришдан иборат. Австралиянинг Мелбурн университетидаги илмий-амалий тадқиқотларда шахс креативлиги, унинг эмоционал ҳолати, интеллекти ва уларнинг жамият билан алоқаси масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, PISA, S.C.A.M.P.E.R, STEAM, PIRLS каби ҳалқаро дастурлар барча давлатлар таълим тизимида ўқувчиларни креативлик хусусиятини шаклланганлик даражалари бўйича ўз тадқиқотларини олиб боришмоқда. Қолаверса бугунги кунда илм-фан ва технологияларнинг тез суръатлар билан ривожланиши шароитида узлуксиз таълимнинг барча босқичлари, жумладан, олий таълимнинг самарадорлик, натижадорлик ва сифатини таъминлашда таълим олувчиларнинг креативлик, мантиқийлик, мазмундорлик, ижодий қобилиятларининг ривожланганлик даражаларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Шу боис ҳозирда талабаларнинг креативлик хусусиятларини шакллантиришнинг психологик жиҳатлари масаласи долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда жамият равнақи кўп жиҳатдан унинг интеллектуал имкониятлари билан белгиланади. Чунки, илмий салоҳияти юқори даражада ривожланган мамлакат барча соҳаларда доимо илғор бўлади. Давлатларнинг тарихий ривожланишида ёшларга бўлган эътибор муҳим ўрин эгаллайди. Ҳозирги кунда замонавий Давлат таълим стандартлари дастурларида талабаларни креатив, танқидий фикрлайдиган, таълим жараёнидаги юзага келадиган муаммоларга аниқ ечим топа оладиган қилиб тарбиялаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг яъни маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш боби 71-мақсадида ҳам таълим жараёнини таъсирчан, креатив ва инновацион услубларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни ўз вақтида амалга ошириш чораларини кўриш белгиланган.

**Методика.** Вилямс тести 25 ёшгача бўлган шахслардаги ижодкорликни комплекс ташхислаш учун мўлжалланган. Ижодий фикрлаш ва шахсий ижодий хусусиятлар билан боғлиқ сифатларни баҳолайди.

Тестлар уч қисмдан иборат:

- 1 Турли хил (ижодий) фикрлаш тести
- 2 Шахсий ижодий хусусиятлар тести (болалар учун сўровнома)
- 3 Вилямс шкаласи (ота-оналар ва ўқитувчилар учун сўровнома)

Вилямс ижодий тестлари ижодкорликни ташхислаш учун энг яхши психодиагностик воситалардан биридир. Чунки, Вилямс тестлари ишончли, қулай ва кенг ёш гурухга мўлжалланган бўлиб, турли ижодий хусусиятларни акс эттиради.

Натижалар ва Мунозара.

1-жадвал

Вилямс ижодкорлиги тести бўйича назорат гурухидан олинган дастлабки  
натижалар таҳлили

Омиллар	1-2 курслар n=90	%	3-4 курслар n=90	%
<b>Равонлик</b>	19	21,1	20	22,2
<b>Мослашувчанлик</b>	22	24,4	29	32,2
<b>Ўзига хослик</b>	29	32,2	23	25,6
<b>Яратувчанлик</b>	20	22,2	18	20,0
<b>Жами:</b>	90	100	90	100

Вилямс ижодкорлиги тести бўйича назорат гурухидан олинган дастлабки натижалар таҳлили

Энди бевосита Вилямс ижодкорлиги тести бўйича назорат гурухидан олинган дастлабки натижалар таҳлилига эътиборимизни қаратамиз. 1-2-курс талабаларида (n=90) “равонлик” қобилияти бўйича дастлабки (тажрибагача) бўлган даврда умумий ўртacha қиймат 21,1 % ни ташкил этган бўлса, 3-4-курс талабаларида (n=90) 22,2 % ни ташкил этди. . 1-2-курс талабаларида (n=90) “ўзига хослик” қобилияти бўйича ўртacha қиймат 32,2 % ни ташкил этган бўлса, 3-4-курс талабаларида (n=90) 25,6 % ни ташкил этди.

Бундан кўриниб турибдики талабаларда фаолият самарадорлигидан катый назар, уларда фикрлашнинг равонлигига бироз қийинчиликларга дуч келишлари мумкин. Бу эса уларнинг самарали фаолият юритишларида бироз қийинчилик туғдириши мумкин.

Шунингдек, талабаларда ўзига хослик қобилиятининг етарлича шаклланганлиги маълумотларни анализ ва синтез қилишада, маълумотларни бирлаштиришада муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида креативликнинг шаклланиши учун муҳим асос бўлиб ҳизмат қилиши мумкин экан.

#### **Вилямс ижодкорлиги тести бўйича тажриба гурухидан олинган дастлабки натижалар таҳлили**

Омиллар	1-2 курслар n=90	%	3-4 курслар n=90	%
<b>Равонлик</b>	20	22,2	19	21,1
<b>Мослашувчанлик</b>	24	26,7	28	31,1
<b>Ўзига хослик</b>	27	30,0	24	26,7
<b>Яратувчанлик</b>	19	21,1	19	21,1
<b>Жами:</b>	90	100	90	100

Вилямс ижодкорлиги тести бўйича тажриба гурухларидан гурухидан олинган дастлабки натижалар эса бироз бошқача кўринишни акс этди. 1-2-курс талабаларида (n=90) “мослашувчанлик” қобилияти бўйича дастлабки (тажрибагача) бўлган даврда умумий ўртacha қиймат 22,2 % ни ташкил этган бўлса, 3-4-курс талабаларида (n=90) 21,1 % ни ташкил этди. . 1-2-курс талабаларида (n=90) “яратувчанлик” қобилияти бўйича ўртacha қиймат 21,1% ни ташкил этган бўлса, 3-4-курс талабаларида (n=90) ҳам 21,1 % ни ташкил этди. Демак юқоридаги эмпирик таҳлиллардан кўриниб турибдики талабаларда мослашувчанлик қобилияти яхши шаклланган бўлиб улар бир фаолиятдан иккинчисига осонгина ўтишлари мумкин. Бу эса креативлик учун муҳим саналган омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, талабаларда яратувчанлик омилиниң етарлича шаклланмаганлиги, уларнинг фаолиятларида бир канча психологик тўсиқларни келтириб чиқариб муаммоларнинг ечимини ноадекват идрок қилишга олиб келиши мумкин.

Хулоса. Мазкур бобда баён этилган илмий таҳлилларни умумлаштирадиган бўлсак, талаба-ёшлар креативлик омиллари ва уни тадқиқ қилиш методлари аниқланди. Шунингдек, талаба-ёшлар креативлигини қаратилган методикаларни танлаш ва уларни тадқиқот мақсадига мос равишда қўллаш қўйидаги хулосаларни чиқаришга имкон берди:

1. Креативлик муаммоларни маҳсус ўрганишга бағишлиланган методикалар, тестлар ва қўшимча математик-статистик методлар мажмуасининг қўлланилиши тадқиқотнинг амалий-татбиқий жиҳатдан кенгроқ очиб бериш имконини яратди.

2. Талаба-ёшлар креативлик омиллари талабалар фаолияти самарадорлиги учун муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Талабаларда креативлик қўрсаткичларининг ривожланиши шахслик хусусиятларига ҳам бевосита боғлиқ.

3. Вилямс тести бўйича кўра талабаларнинг креативлиги қўйидаги натижалар бўйича 1-2 курс талабаларида индивидуал-психологик хусусиятларнинг роли катта бўлиб улар ҳар бир вазият ва жараёнда ўзига хос шахслик хусусиятларини намоён қиласидилар. Демак, талабаларда атроф-муҳитга, ҳар хил нокулай вазиятларга ҳамда ўз тенгдошлари шунингдек атрофдаги бошқа шахсларга ҳам уларда ижтимоий адаптация анча шаклланганини кўриш мумкин экан.

4. «Талабалар креативлик хусусият даражаларини тадқиқ қилиш ижтимоий-психологик сўровномаси» ёрдамида талабаларни креативлик сифатлари маҳсус ишлаб чиқилган шакллар орқали аниқланиб, уларнинг шаклланганлик даражалари қўрсаткичларига баҳо берилди. Олинган маълумотлар қўшимча усувлар ва маҳсус тузилган сўровнома (диссертант томонидан) натижалар билан таққосланиб тегишли хуносалар чиқарилгандан сўнг креативликнинг қуи ва юқори қўрсаткичлари белгиланди. Белгиланган қўрсаткичларнинг хаққонийлиги яна бир карра қўшимча дастурлар орқали тасдиқлангандан сўнг респондентлар учун характерли бўлган юқори, ўртача, паст даражадаги қўрсаткичлар жадвалига киритилди. Жадвалдаги барча қўрсаткичларнинг интерпретацияси батафсил баёни иккинчи бобда берилган.

Фойдаланилган адабиётлар.

Усманова, М. Н., Бафаев, М. М., & Останов, Ш. Ш. (2014). Симптомы эмоционального выгорания современного педагога. Наука. Мысль: электронный периодический журнал, (10), 23-32.

Останов Шухрат Шарифович. Использование техник арт-терапии в психокоррекции. Вестник интегративной психологии журнал для психологов. Выпуск № 22, 2021 г. С 142-144.

Останов Шухрат Шарифович. Теоретический анализ проблемы креативности в психологии. Вестник интегративной психологии журнал для психологов. Выпуск № 23, 2021 г. С 237-241.

Ostanov Shuhrat Sharifovich. Particularities of the Development of Creativeness in Students Through Art Therapy Middle European Scientific Bulletin, volume 14 July. 2021. – p. 45-48.

Останов Шухрат Шарифович. Роль психологического здоровья студентов в учебный процесс. психология XXI столетия Сб. научных статей по материалам международной конференции «Психология XXI столетия» Бухара: БухГУ, 2020 –С. 127-131.

Останов Шухрат Шарифович. Развитие креативности у подростков и старших школьников средствами арт-терапии. Вестник интегративной психологии журнал для психологов. Выпуск № 21, 2021. – С. 274-279

Останов Шухрат Шарифович. Использование техник арт-терапии. “XXI аср психологияси” мавзусидаги ҳалқаро илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами Бухоро. 2021 – Б. 175-177.

Останов Шухрат Шарифович. Использование техник арт-терапии и арт-педагогики в работе педагога-психолога. “Психология фани ва ёшларнинг ривожланиши” Ҳалқаро илмий — амалий онлайн конференция материаллари. Тошкент. 27-28 июль, 2020. – Б. 782-788